

ТОШКЕНТ ВЕЛОЯТИ ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.09.2020.К.82.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎКИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

САДИКОВА ДИЛДОРА БАХРАМЖАНОВНА

ТАБИИЙ ПОЛИМЕРЛАРНИНГ МЕТАЛЛ КОМПЛЕКСЛАРИНИ  
ОЛИНИШИ ВА ХОССАЛАРИ

02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДOKТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчик – 2021

УДК: 541.6:541.49+677.04

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по химическим наукам  
Contents of dissertation for doctor of philosophy (PhD)  
on chemical science

Садикова Дилдора Бахрамжановна  
Табий полимерларнинг металл комплексларини олиниши ва  
хоссалари.....3

Садикова Дилдора Бахрамжановна  
Получение и свойства металлокомплексов природных полимеров.....21

Sadikova Dildora  
Obtaining and properties of metal complexes of natural polymers. .... 39

Эълон қилingan ишлар рўйхати  
Список опубликованных работ  
List of published works. .... 42

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DS-03/30.09.2020.К.82.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

САДИКОВА ДИЛДОРА БАХРАМЖАНОВНА

ТАБИЙ ПОЛИМЕРЛАРИНИНГ МЕТАЛЛ КОМПЛЕКСЛАРИНИ  
ОЛИНИШИ ВА ХОССАЛАРИ

02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ



Чирчиқ – 2021

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда турли металлларнинг органик бирикмалар билан комплекс бирикмаларини кўп мақсадли ва ўзига хусусиятларига асосланиб табиий полимерларни металл ионлари билан координацион бирикмаларининг қўлланилиш соҳалари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Табиий полимерларнинг металллар билан координацион бирикмаларидан биотехнологияларда, фармацевтикада, тиббиётда, кишлоқ хўжалигида, ишлаб чиқаришнинг оқова сувлари ва технология эритмаларидан турли металл ионларини ажратиб олишда, тўқимачилик ва кимё sanoatining турли соҳаларида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳоңда металлларни таркибда азот, кислород, олтингурут сақлаган табиий полимерлар билан комплекс бирикмаларини олиниши, хоссаларини ва қўлланилиш соҳаларини аниқлаш юзасидан кенг камровли тадқиқотлар бажарилмоқда. Бу борада аминокислоталар қолдиқларидан тузилган табиий оксидларни металллар билан координацион комплекс бирикмалар ҳосил қилиш қобилияти, металл сақловчи координацион комплекс полимерларнинг ўзига хос хоссалари, фазовий тузилишга эга бўлган алоҳида қисмлар маълум бир геометрик шаклдаги структурага бирикшиш асосида ижобий натижаларга эришилган. Қоллаген тирик тўқималарда энг кўп учрайдиган оксид ҳисобланади, унинг металл ионлари билан комплекслари рангли моддалар бўлиб, бўялган полимер ва тўқимачилик материаллари олишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда маҳаллий реагентлар асосида инновацион полимер маҳсулотларини яратиш бўйича илмий, техник тадбирларни амалга оширишга, иктисодиётнинг тўқимачилик ва кимё соҳаларини турли йўналишларда ривожланишига катта эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янгда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> "принципал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш" бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада табиий полимерларнинг металл комплексларини олиш усулларини ишлаб чиқиш, олинган бирикмаларнинг таркиби, тузилиши, физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш ва улардан тўқимачилик материалларини бўяшда фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли «2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4895-сонли

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PHD/K195 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва саноат институтида бажарилган. Диссертация авторферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.scri.uz/limu-keqdash](http://www.scri.uz/limu-keqdash)) ва "Ziyouz" Аxbорот-тўқимачилик порталида ([www.ziyouz.net](http://www.ziyouz.net)) joylashtirilgan.

Илмий раҳбар:

**Рафӣқов Адҳам Саломович**  
к.т.и.ф. доктори, профессор

Расмий ошловчилар:

**Қудъшиев Валентин Олегович**  
к.т.и.ф. доктори, профессор

**Бекчанов Давронбек Жумааларович**  
к.т.и.ф. доктори, доцент

Етабли танқидлот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳамда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Аxbорот-ресурс марказида ташкил топган 2021 йил 13-14 кунлари бўлиб ўтган 2021 йил «13» даги мажлисида бўлиб ўтди. (Маълум: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Амир Темури кўчаси, 104-уй. Тел: (0370) 716-68-05, факс: (0370) 716-68-11, e-mail: [tebchiri\\_k.kengashi@iitsh.uz](mailto:tebchiri_k.kengashi@iitsh.uz)).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Аxbорот-ресурс марказида ташкил топган 2021 йил 13-14 кунлари бўлиб ўтган 2021 йил «13» даги мажлисида Чирчиқ шаҳри, Амир Темури кўчаси, 104-уй. Тел: (0370) 716-68-05, факс: (0370) 716-68-11, e-mail: [tebchiri\\_k.kengashi@iitsh.uz](mailto:tebchiri_k.kengashi@iitsh.uz)).

Диссертация авторферати 2021 йил «13» кунлари (2021 йил «13» кунлари) даги «13» даги мажлисида реестр бўйича қилинган.



Илмий раҳбарнинг кўрсатмалари билан  
к.т.и.ф. доктори, профессор

«Кимё ва биология фанлари бўйича узлуксиз таълим сифатини ва фан самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё. Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Координацион комплексларни олиниши ва хоссалари бўйича хорижий олимлардан Tang S.Y., Jezowska-Bojczuk, Spini G., Alkhami F.A., Garcia-Tegan J.P., Sorenson A.E., Ergozlin E.E. ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб борган Коллаген биоматериалларни Tang K., Proskor D., Тихонова Ю., Уапинг Нан, Zhao X., Zhang J., Sahiner M. ва бошқалар ўрганган.

Республикада металллар билан полимерларнинг координацион комплекслари соҳасида тадқиқотлар академиклар М.А. Асқаров, С.Ш. Рашидова, А.Т. Жалиловларнинг илмий мактабларида, профессорлар У.Н. Мусаев, Т.М. Бабоев, М.Г. Мухамедиев, Ш.Г. Абдурахманова ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган. Ушбу олимларнинг тадқиқотлари координацион бирикмаларнинг тузилиши ва хоссаларини таҳлил этишга, бундай бирикмаларни ион алмаштирувчи сорбентлар ва биологик фаол препаратлар сифатида қўлланишига йўналтирилган.

Шу билан бирга, полимерларнинг металллар билан координацион комплексларини дорн воситалари учун матрица, турли ионлар сорбентлари, кимёвий жараёнлар катализаторлари ёки ингибиторлари сифатида тадқиқ этган ҳолда, уларни буюк сифатида ишлатиш имкониятларига етарлича эътибор берилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-Ф-7-16 «Махаллий хом ашё ресурсларидан фойдаланиб термоэластопластлар ва катламли материалларнинг олиниши, хоссалари ва қўлланилиши» (2016-2020 йй.) ва №А-12-9 «Табиий ва синтетик пайванд сополимерлар асосида толали материаллар олиш» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** табиий полимер – коллагеннинг металл комплексларини синтез қилиш, хоссаларини аниқлаш ва тўқимачилик материалларида қўлланишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Коллагеннинг  $Fe^{3+}$ ,  $Co^{2+}$ ,  $Cu^{2+}$ ,  $Ni^{2+}$ ,  $Cu^{2+}$  ионлари билан координацион комплексларини ҳосил қилиш шароитларини тадқиқ этиш, коллаген металл комплексларининг таркиби ва тузилишини аниқлаш,

ион табиати ва дастлабки компонентларнинг нисбатига боғлиқ равишда коллаген металл комплексларининг хоссаларини тадқиқ этиш;

комплекс бирикмаларининг микроскопик, дифференциал-термик, рентгенфазавий тадқиқотларини ўтказиш;

тўқимачилик материалларини буюш учун коллаген металл комплексларидан фойдаланиш имкониятини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида коллаген ва  $FeSO_4$ ,  $CoCl_2$ ,  $CuCl_2$ ,  $Ni(NO_3)_2$ ,  $CuSO_4$  тузларининг эритмалари, улар асосидаги координацион бирикмалар, пахта ва пахта-полиэфир тўқимачилик материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** коллагеннинг металл ионлари билан ҳосил қилган комплексларини олиш шароитлари, таркиби, тузилиши, микроструктураси ва хоссалари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда синтез, ИК-Фурье спектроскопияси, рентгенфазавий таҳлил, сканерловчи электрон микроскопия, дифференциал сканерловчи калориметрия қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат: коллагеннинг металл ионлари  $Fe^{3+}$ ,  $Co^{2+}$ ,  $Cu^{2+}$ ,  $Ni^{2+}$ ,  $Cu^{2+}$  билан координацион комплексларини ҳосил қилиш шароитлари, микроструктураси, морфологияси ва кимёвий формуласи аниқланган.

коллаген макромолекуласи ва металл иони ўртасида координацион ва ионли боғларнинг ҳосил бўлиш шартлари, координацион таъсирлашувда сув молекулаларининг катнашиш шартлари ишбатланган.

коллаген :  $CuSO_4$  бошлангич моляр нисбати ўзгариши билан комплекс таркибининг номуносиб ўзгариш шартлари, концентрацияларнинг кенг диапазонда комплексларнинг таркиби 1:2 дан 2:1 нисбатгача ўзгариш шартлари аниқланган.

коллагеннинг оралик металл ионлари билан комплексларининг поликристалл структураси аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

коллагеннинг оралик металл ионлари билан кристалл комплексларини эритмада синтез қилиш режими аниқланган;

коллаген металл комплексларининг физик-кимёвий хоссалари компонентларнинг бошлангич нисбатига ва ион табиатига боғлиқ равишда аниқланган;

пахтали ва пахта : полиэфир аралашмали тўқимачилик материалларини коллаген :  $CuSO_4$  ва коллаген :  $CuCl_2$  комплекслари билан интенсия ва барқарор буюш имконияти аниқланган, буюш шароитлари тақлиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** олинган натижаларнинг замонавий координацион бирикмалар назариясига мослиги, уларнинг тақририйлиги, физик-кимёвий, спектроскопик, микроскопик, термик, рентгенфазавий таҳлиллар натижалари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти коллагеннинг пептид ва аминогруҳлари билан оралик металл ионларининг координацион ва ион таъсирлашувининг

аниқланганлиги; синтез қилинган полимер комплекс бирикмаларининг таркиби, кимёвий ва фазовий тузилиши, кристалл структураси аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти коллагеннинг сувда эрийдиган, рангли металл комплексларини синтез қилиш усули, комплекс бирикмаларининг физик-кимёвий хоссаларини аниқланганлиги; коллагеннинг  $\text{CuSO}_4$  ва  $\text{CrCl}_3$  билан ҳосил қилган комплекс бирикмаларини тўқимачлик материалларини бўяш учун қўллашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги.** Коллаген металл комплексларининг олинishi ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида.

пахта тўқимачлик материалларини бўяш учун коллагеннинг металл комплекси асосидаги композиция «Рўзмагжон ота» МҶЖда амалиётга жорий қилинган («O'ZTO'QIMACHILIKSANOAT») уюшмасининг 2021 йил 06 сентябрдаги 04/13-2573-сон маълумотномаси). Натижада, синтез қилинган композицияни пахта толали матолар учун барқарор бўёк сифатида ишлатиш имконини берган.

аралаш толали тўқимачлик материалларини бўяш учун коллагенни  $\text{Cu}^{2+}$ ,  $\text{Cr}^{3+}$  ионлари билан комплекслари асосидаги композиция «Урганч баҳмил» МҶЖ да амалиётга жорий қилинган («O'ZTO'QIMACHILIKSANOAT») уюшмасининг 2021 йил 06 сентябрдаги 04/13-2573-сон маълумотномаси). Натижада, пахта-полиэфир аралаш толали матоларни яшил ва кўк рангларга барқарор бўяш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 14 та жумладан 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола республика, 3 та хорижий журналларида нашр этилган.

**Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, ажабиётлар руйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўқазилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Полимерлар металл комплексларининг таркиби, хоссалари ва қўлланилиши бўйича аналитик шарҳ» деб номланган биринчи бобда диссертация мавзусига оид чоп этилган ишлар манбаларига асосланган илмий тадқиқотлар кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган. Металлар ва полимерларнинг координацион комплексларини синтези, хоссалари ва қўлланилиши бўйича тадқиқотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «Материаллар, коллаген металл комплексларининг синтези ва хоссаларини татқиқ қилиш усуллари» деб номланган иккинчи бобда тадқиқот объектларининг тавсифлари, сувли эритмаларда коллаген металл комплексларини олиш усуллари келтирилган. Коллагеннинг оралиқ металл ионлари билан комплексларини олиш учун  $\text{FeSO}_4$ ,  $\text{CuSO}_4$  ёки  $(\text{CH}_3\text{COO})_2\text{Cu}$ ,  $\text{CoCl}_2$ ,  $\text{CrCl}_3$ ,  $\text{Ni}(\text{NO}_3)_2$ ,  $\text{MgSO}_4$  тузларни ва 10% коллаген эритмалари тайёрланди. Хона температурасида конуссимон қолбада турли нисбатдаги эритмаларни аралаштириш орқали ўзаро таъсир амалга оширилди. Аралаштиригандан сўнг бир соат ўтгач, комплекс бирикмаларни чўктириш учун аралашма ҳар хил эритувчиларга қуйилди. Этанол энг мос чўктирувчи деб топилди. Этанолда чўктирилган металл комплекс тузлар 60°C температурда доний массага келгунга қадар қуритиш печида қуритилди. Шу бобда коллаген металл комплексларини тадқиқ этиш усуллари ҳам баён этилган.

Диссертациянинг «Коллаген металл комплексларининг таркиби, тузилиши, хоссалари ва қўлланилиши» деб номланган учинчи бобда металл комплекслар синтез қилишнинг реакция шароитларини аниқлаш, уларнинг таркиби, фазовий ва фазавий тузилиши, физик-кимёвий хоссалари ва қўлланилиши бўйича тадқиқотлар натижалари муҳокама этилган.

Эритма олиш учун хом терининг майдаланган чиқиндилари 2-3% ли ишқор эритмасида 12-24 соат давомида бўктирилади, сўнгра аралашмани 50°C температурасига келдириб, аралаштириб турилди. Тери бўлаклари тўлиқ эритгандан сўнг, аралашма элакдан ўтказилди ва сирка кислотаси эритмаси билан нейтралланди. Ҳосил бўлган коллоид эритмада қўшимча моддалар, асосан натрий ацетат ҳам бор.

Дастлабки тажрибалар тозаланмаган коллаген эритмаси билан ўтказилди. Коллаген эритмасининг  $\text{FeSO}_4$ ,  $\text{CoCl}_2$ ,  $\text{CrCl}_3$ ,  $\text{Ni}(\text{NO}_3)_2$  тузлари эритмалари билан ўзаро таъсири ўрганилди. Ҳосил бўлган комплекс бирикмани эритмадан ажратиш учун ацетон, этанол, диоксан ва диметилформамид каби эритувчилар синовдан ўтказилди. Комплекс унумининг ион табиатига боғлиқлиги аниқланди (1-жадвал).

Темир, кобальт, хром ва никел каби оралиқ металлларнинг комплекс бирикмалари кичик унум билан (17-24%) ажралган. Кўришиб турибдики, коллаген эритмасининг таркибидagi электролитлар комплекс бирикма унумини пасайишига олиб келади.  $\text{Fe}^{3+}$ ,  $\text{Co}^{2+}$ ,  $\text{Cr}^{3+}$ ,  $\text{Ni}^{2+}$  ионлари кимёвий элементлар даврий жадвалининг бир даврига тўғри келади, атом массаси, ион радиуси яқин, координацион сонлари ҳам бир хил. Комплексларнинг ранги ва кристалл тузилиши турлича бўлсада, бу ионлар комплекс бирикмаларининг унуми яқин.

1-жадвал  
Комплекс унумининг вон табиятига боғлиқлиги

Туз	Металл нони массаси, г	Коллаген ва электролитлар массаси, г	Металлкомплекс Масса, г	Унум, %
FeSO <sub>4</sub>	0,15	0,2	0,06	17,1
CoCl <sub>2</sub>	0,15	0,2	0,08	22,9
CrCl <sub>3</sub>	0,13	0,2	0,08	24,2
Ni(NO <sub>3</sub> ) <sub>2</sub>	0,13	0,2	0,07	21,2

Эритмада ионларнинг мавжудлиги асосий комплекс ҳосил бўлиш реакциясига тўқинлик қилиши мумкин. Кимёвий реакцияларни амалга ошириш учун, шу жумладан металл ионлари билан оксил макромолекулаларнинг комплексини синтез қилиш учун, коллаген эритмасини электролитлардан озод қилиш керак. Шу мақсадда биз ҳар икки сохтада диализатордаги сувини алмаштириб коллаген эритмасини диализ қилдик. Диализ даражаси эритманинг солиштирма электр ўтказувчанлиги ва куруқ қолдиқнинг масса улуши билан назорат қилинди.

Диализланган коллагеннинг CuSO<sub>4</sub> билан комплекс бирикмалари ҳар хил бошланғич нисбатларда синтез қилинди (2-жадвал).


2-жадвал  
Компонентларнинг бошланғич нисбати ва комплекс бирикманing чикши унуми

Эритма, г	CuSO <sub>4</sub>		Коллаген		Комплекс	
	г	моль	эритма, г	г	г	%
8	1.152	0.0072	2	0.12	0.0015	1.5227
6	0.864	0.0054	4	0.24	0.0030	1.2399
4	0.576	0.0036	6	0.36	0.0045	0.9106
2	0.288	0.0018	8	0.48	0.006	0.6669
1	0.144	0.0009	9	0.54	0.0068	0.5167

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, CuSO<sub>4</sub> масса улушининг ортиши билан комплекснинг унуми ошади. Шу билан бирга, эритмаларнинг масса нисбати CuSO<sub>4</sub> : коллаген = 8:2 ва 6:4 бўлганда, комплекснинг массаси туз ва коллаген массалари йиғиндисидан катта бўлади. Бу шуни кўрсатадики, сувининг бир қисми координацион боғланиш орқали комплекста боғланган. Коллаген ва металл ионларининг ўзаро таъсири характерини аниқлаш учун коллаген ва унинг металл комплексларини Фурье-ИК спектроскопик таҳқиқотлари ўтказилди (1-расм).

Коллагеннинг Фурье-ИК спектрида 3224 см<sup>-1</sup> сохтада ассоциланган NH ва OH гуруҳларнинг валент тебранишларининг ютилиш йўлакларини, NH гуруҳининг деформацион тебранишлари 1558 см<sup>-1</sup> (амид II йўлакasi) ва 1396 см<sup>-1</sup> (амид III йўлакasi) сохталарда аниқланди. 1296 ва 1259 см<sup>-1</sup> сохталардаги

ютилиш йўлакларини ҳам δ<sub>NH</sub> та тегишли, улар ν<sub>CO</sub> билан ўзаро таъсири туфайли намоён бўлади.



1-расм. Коллаген (e) нинг ва унинг Co<sup>2+</sup> (a), Cr<sup>2+</sup> (b), Cu<sup>2+</sup> (c), Fe<sup>2+</sup> (d), Ni<sup>2+</sup> (f) ионлари билан комплексларининг Фурье-ИК спектрлари

Коллаген комплексларининг Фурье-ИК спектрларида NH, OH ва CO гуруҳлари боғларининг деформацион ва валент тебранишлари ҳам мавжуд, лекин улар коллагеннинг йўлакларига нисбатан силжинган. 3274 см<sup>-1</sup> сохтадаги коллагеннинг NH ва OH гуруҳлари валент тебранишларига тегишли бўлган ютилиш йўлакларини комплексларда паст частотали сохтага силжийди (3-жадвал). Ютилиш сохасининг паст частотали сохтага силжини азот ва кислоталар атомлари орқали бирикманing координациясини назарда тутати. Кузатишган ўзгаришлар мис ионлари билан координацион таъсирлашувда коллагеннинг кислоталар ва азот атомлари ҳамда сувининг кислоталар атомлари катнашганлигидан далолат беради.

3-жадвал


Комплекслардаги NH ва OH гуруҳлари валент тебранишлари ютилиш йўлаксининг силжини даражасини компонентларнинг бошланғич нисбатига боғлиқлиги

Коллаген, тўлқин сонини, см <sup>-1</sup>	CuSO <sub>4</sub> , тўлқин сонини, см <sup>-1</sup>	Комплекс		Тўлқин сонини, см <sup>-1</sup>
		Коллаген, моль	CuSO <sub>4</sub> , моль	
3274	3112	0.0068	0.0009	3264
		0.0060	0.0018	3183
		0.0045	0.0036	3165
		0.0030	0.0054	3120
		0.0015	0.0072	3116

Барча комплекс бирикмалар 1614-1621 см<sup>-1</sup> сохтада янги ютилиш йўлакasiга эга, бу, эҳтимол, -CO<sub>2</sub> ионининг валент тебранишларига тегишли. Металл

катиони қоллаген билан нафақат координацион боғланишлар орқали, балки гидролизланган полилентиднинг карбоксил гуруҳлари билан нон боғ орқали ҳам боғланади.

Энергодисперсион спектр маълумотлари бўйича элемент таҳлил натижалари комплекс бирикма таркиби ҳақидаги маълумотларни тўлдирish имконини берди (2-расм).



2-расм. Турли бошлангич мольяр нисбатларда синтез қилинган комплексларнинг элемент таркиби,  $\text{CuSO}_4$  : қоллаген:

a) 0.0015 : 0.0072; b) 0.0030 : 0.0054; c) 0.0045 : 0.0036; d) 0.006 : 0.0018

Қоллагеннинг аминокислоталари таркибидан келиб чиқилса, унинг макромолекуласида 1 азот атомига тахминан 2,85 та углерод атомлари ва 1,09 кислород атомлари тўғри келади. Элемент таҳлиши натижаларига асосланиб, комплекслардаги атомлар сонининг нисбатини ва комплекснинг эмпирик формуласи аниқланди (4-жадвал).

Ҳар хил бошлангич нисбатларда синтез қилинган комплекслар атомлари сонининг нисбати ва эмпирик формуласи

$\text{CuSO}_4$ : қоллаген бошлангич нисбати (моль : моль)	Комплексдаги атомлар сонининг нисбати C : N : O : S : Cu	Комплекснинг эмпирик формуласи
0.0009 : 0.0068	3.14 : 1 : 1.95 : 0.08 : 0.13	$(\text{C}_{3.1}\text{H}_x\text{NO}_{2.0}\text{S}_{0.08}\text{Cu}_{0.13})_y$
0.0018 : 0.0060	3.23 : 1 : 2.12 : 0.09 : 0.15	$(\text{C}_{3.2}\text{H}_x\text{NO}_{2.1}\text{S}_{0.09}\text{Cu}_{0.15})_y$
0.0036 : 0.0045	3.39 : 1 : 2.81 : 0.13 : 0.26	$(\text{C}_{3.4}\text{H}_x\text{NO}_{2.8}\text{S}_{0.13}\text{Cu}_{0.26})_y$
0.0054 : 0.0030	3.48 : 1 : 5.92 : 0.37 : 0.92	$(\text{C}_{3.5}\text{H}_x\text{NO}_{5.9}\text{S}_{0.37}\text{Cu}_{0.92})_y$
0.0072 : 0.0015	3.69 : 1 : 11.41 : 0.85 : 2.35	$(\text{C}_{3.7}\text{H}_x\text{NO}_{11.4}\text{S}_{0.85}\text{Cu}_{2.4})_y$


$\text{CuSO}_4$  қоллаген комплексларида туз микдори ортиши билан комплексда координацияланган мис ионларининг микдори ортади. Комплекс таркибиди олтингурут борлиги сульфат ионларининг комплекс ионлар билан нон боғланишлар орқали боғланганлигини кўрсатади.

Комплексларда мис (II) ионига 0.4-0.6 олтингурут атомлари ва 5.0-6.7 кислород атомлари тўғри келади (мис(II)-сульфатда битта мис ионига битта олтингурут атоми ва тўртта кислород атоми тўғри келади). Бунда сульфат

ионларининг бошлангич микдорининг фақат ярми комплекс анионлари соҳасида бўлади. Қолган анионлар, афтидан, гидрокси- ёки карбокси-ионлар бўлиб, улар қоллагенни теридан ажратилганда қисман гидролизланиши натижасида ҳосил бўлади. Қоллаген ва сульфат ионларининг кислородини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир мис иони учун 2-3 кислород атоми қолади, бу 2-3 та сув молекуласини бидларади. Агар мис куворосига ўхшаб битта сув молекуласи комплекснинг ташқи сферасида жойлашган бўлса, у ҳолда 1-2 та сув молекуласи миста лиганд сифатида боғланган. Комплексдаги миснинг координацион сони тўртта тенг, буни комплекс кристалларининг геометрик шакли тасдиқлайди. Комплекснинг қолган 2-3 лигандлари қоллагеннинг азот ва кислород атомлари ҳисобланади.

Бошлангич моддалар нисбатларининг кенг диапазонда синтез қилинган комплекснинг таркиби номуносиб ўзгаради, комплекс бирикма таркибидаги ўзгаришлар диапазон кенг эмас. Шунинг учун комплекс бирикманинг унуми компонентларнинг бошлангич нисбатига қараб сезиларли даражада фарк қилади. Қоллагеннинг микдори ортикча олинганда, унинг бир қисми комплекс ҳосил бўлишида қатнашмайди, чўқади, комплекснинг унуми энг кичик бўлади. Мис(II)-сульфатнинг микдори ортикча олинганда, комплекс бирикмасининг унуми деярли микдорий бўлади.

Бошлангич аралашмадаги компонентлар сонининг нисбати ўзгартганда, углерод атомлари сонининг озгина ўзгариши кузатилади. Шу билан бирга, умумий тенденция сақланиб қолади. Мис(II)-сульфат микдорининг ортиши билан комплексдаги углероднинг масса улуши сезиларли даражада қимаяди (40 дан 15% гача), лекин битта азотга тўғри келадиган атомлар сони бироз ортади (3,1 дан 3,9 атомгача). Моддаларнинг бошлангич нисбати ўзгартганда комплекс ҳосил қилувчининг координацион боғланишларининг сони ва табиати, яъни мис иони ўзгармайди. Аммо мис(II)-сульфат микдори ортиши билан комплексдаги мис ионларининг масса улуши комплексда иштирок этадиган қоллаген аминокислоталар қолдиқлари сонининг қайси хисобига ортади. Умуман, «полимер-металл» комплексининг таркиби ва микроструктураси ўзгаради, бу эса ҳосил бўлган кристалларнинг геометрик шакли ўзгаришига олиб келади (3-расм).



3-расм.  $\text{CuSO}_4$  : қоллаген (моль : моль) = 0.0072 : 0.0015 (a); 0.0018 : 0.0060 (b) бошлангич нисбатларда синтез қилинган комплекс бирикма кристалларининг фотосуратлари.


3-расмдан кўриниб турибдики, мис (II)-сульфатнинг ортқича микдори билан синтез қилинган комплекс қатъий ромбик шаклга эга. Коллагеннинг ортқича микдори билан синтез қилинган комплекс игнасимон шаклга эга. Демак, комплекснинг филтратланган эритмасини хона температурасида секин буғлангани аниқ ромбли монокристалл олиш имконини беради. Комплексининг акценттори полимер табиғатига хос модда бўлишига қарамай, координацион сонни 4 га тенг бўлган миснинг соф кристалл бирикмасини ҳосил қилишга эришилади. Шу муносабат билан комплекс бирикмалар морфологиясини СЭМ усули билан ўрганиш маълум ҳизиқлиш уйғотади.

Эритмадан буғлатиб ҳосил қилинган  $\text{CuSO}_4 \cdot 5\text{H}_2\text{O}$ , коллаген ва уларнинг турли бошланғич нисбатларда синтез қилинган комплексларининг СЭМ тасвирлари тахлил қилинди (4-6 расмлар).



#### 4-расм $\text{CuSO}_4 \cdot 5\text{H}_2\text{O}$ кристалларининг СЭМ тасвири

4-расмдан кўриниб турибдики, мис купуриси кристаллари зич тузилишга эга, сиртининг гадир-булдирлик даражаси бир неча микрон. Унинг юзасида маълум интервалда микрофериклар, чуқурлашишлар мавжуд. Кристалларнинг сирт морфологияси сувнинг буғланishi ва мис(II)-сульфат пентагидрати ҳосил бўлиши жараёнида шаклланади. Коллаген юзасининг морфология мис купурисига нисбатан кўпроқ гадир-булдирликка эга бўлган аморф жисминики эслатади. Юзасидаги микрофериклар туфайли пайдо бўладиган жуда юпқа түрсимон чичикларни сезиш мумкин (5-расм). Комплекс бирикмаларнинг кристаллари кўпроқ микрофериклари бўлган аниқроқ шаклга эга.



#### 5-расм. Коллагеннинг СЭМ-тасвири



#### 6-расм. Комплекс кристалларининг СЭМ тасвирлари.


$\text{CuSO}_4$  : коллаген (моль : моль)

- (a) — 0.0072 : 0.0015
- (b) — 0.00054 : 0.0030
- (c) — 0.0036 : 0.0045
- (d) — 0.0018 : 0.0060
- (e) — 0.0009 : 0.0068


Бошланғич арашмада коллаген микдорининг кўпайishi билан сиртининг текисланиши сезиларли тарзда юз беради. Коллагеннинг бошқа тузлар билан ҳосил қилган координацион комплексларининг морфологияси 7-расмда келтирилган. Комплекс бирикмаларнинг сирт морфологияси уларнинг микроструктураси ақиқилигини яна бир бор тасдиқлайди. Шунга қарамай, ҳар хил тузлар ва компонентларнинг ҳар хил бошланғич нисбатларида синтез қилинган комплексларнинг таркиби ва тузилишида баъзи фарқлар мавжуд.

Комплексларнинг кристалл тузилишини аниқлаш учун рентген фазали тадқиқотлар ўтказилди. Бошланғич компонентлар ва уларнинг комплекс бирикмаларининг рентген спектрлари олинди (8, 9-расм).






7-расм. Коллагеннинг  $\text{CoCl}_2$  (a),  $\text{FeSO}_4$  (b),  $\text{CrCl}_3$  (c),  $(\text{CH}_3\text{COO})_2\text{Cu}$  (d) билан координацион комплекслари морфологияси




8-расм. Коллаген (a) ва  $\text{CuSO}_4 \cdot 5\text{H}_2\text{O}$  (b) ларнинг рентген спектрлари.  
8-расмдан кўриниб турибдики, коллаген деярли аморф, мис купуриси соф кристалли моддadir. Комплекс бирикмаларнинг рентген спектрига қараганда, намуналар бошланғич моддаларнинг кенг нисбатда юқори кристалликни саклайди. Комплекстаги коллаген микдори ортиши билан кристалл фаза рефлексининг интенсивлиги бироз пасаяди. Фақат коллагеннинг микдори анча кўп бўлганда ( $\text{CuSO}_4$ : коллаген = 0.0009; 0.0068) намуна аморф моддага

айланади. Шуниси эътиборга лойиқки, барча намуналарнинг кристалл фазалари бир хил дифракция бурчакларида рефлекс намоён этади (9-расм).

Комплексларнинг термик хоссалари термограмметрия ва дифференциал сканнрловчи калориметрия усуллари билан тадқиқ қилинди (10-расм).



9-расм. Комплексларнинг рентген спектрлари:  $\text{CuSO}_4$ : коллаген (моль: моль) = 0.0072 : 0.0015 (a); 0.0030 (b); 0.0054 : 0.0036 (c); 0.0045 (c); 0.0018 : 0.0060 (d) бошланғич нисбатларида синтез қилинган




10-расм. ДСК эгрилари:  $\text{CuSO}_4 \cdot 5\text{H}_2\text{O}$  (1), коллаген (2), комплекслар, синтезда бошланғич моль нисбат  $\text{CuSO}_4$ : коллаген = 0.0072 : 0.0015 (3); 0.0054 : 0.0030 (4); 0.0036 : 0.0045 (5); 0.0018 : 0.0060 (6)

Мис купуросининг ДСК эгрисиди  $\text{CuSO}_4 \cdot 5\text{H}_2\text{O}$  нинг дегидратланиш босқичлари яққол кўринмоқда – пентагидрат (119.6 °C), тригидрат (125.1 °C), моногидрат (137.5 °C), сувсиз шакли (258.4 °C). Тахминин 150 °C температурагача тўрт молекула кристаллизация суви 6839 Ж/г иссиқлик ютиши билан ажралади. Кристаллизация сувининг бешинчи молекуласи юқорирак температурада (260 °C) 1541 Ж/г иссиқлик ютилиши билан ажралади. Мис купуросининг умумий дегидратланиш иссиқлиги 8.38 кЖ/г.


Коллагенни 400 °C гача қиздирилганда кичик эндотермик эффект билан жараёнлар содир бўлади. Бу суяқлашни ва қуйи молекуляр бирикмалар ажрალიши билан кечадиган қисман парчаланиш жараёнларидир.

Коллаген:  $\text{CuSO}_4 = 0.0015:0.0072$  мольар нисбатда синтез қилинган координацион комплекснинг ДСК эгрисидда учта эндотермик минимум аниқ кўриниш -  $108.2^\circ\text{C}$ ,  $131.5^\circ\text{C}$ ,  $259.1^\circ\text{C}$ . Бу комплекснинг дегидратланиш умумий иссиқлиги  $7.33$  кЖ/г, мис купоросининг дегидратланиш иссиқлигига нисбатан  $12.5\%$  га кам. Комплекста тузнинг микдори камайганда эндотермик чўккилар сони ва умумий дегидратланиш иссиқлиги камаяди, ҳамда кичикроқ температура соҳасига силжийди. Коллаген:  $\text{CuSO}_4 = 0.0030:0.0054$  мольар нисбатда синтез қилинган комплекснинг ДСК эгрисидда учта эндотермик чўккиси ( $116.7^\circ\text{C}$ ,  $136.7^\circ\text{C}$ ,  $279.2^\circ\text{C}$ ) бўлиб, умумий дегидратланиш иссиқлиги  $6.22$  кЖ/г, мис купоросининг дегидратланиш иссиқлигидан  $25.8\%$  га кам. Коллаген:  $\text{CuSO}_4 = 0.0030:0.0054$  мольар нисбатда синтез қилинган комплекснинг ДКС эгрисидда эса иккита чўкки ( $109.6^\circ\text{C}$ ,  $266.8^\circ\text{C}$ ), умумий дегидратланиш иссиқлиги  $5.87$  кЖ/г, мис купоросининг дегидратланиш иссиқлигидан  $30.0\%$  га кам. Коллаген:  $\text{CuSO}_4 = 0.0060:0.0018$  мольар нисбатда синтез қилинган комплекснинг ДСК эгрисидда ҳам иккита чўкки ( $103.1^\circ\text{C}$ ,  $277.3^\circ\text{C}$ ), умумий дегидратланиш иссиқлиги  $4.20$  кЖ/г, мис купоросиникидан  $49.9\%$  га кам. Коллагеннинг микдори ортаганда эндотермик чўккиларнинг кичик температурали соҳага силжиши ва дегидратланиш иссиқлигининг камайиши координацион болган сув молекулаларининг камайганигини кўрсатади. Ҳақиқатан тадқиқотлар асосида комплексларнинг тузилишини қуйидаги формулалар билан ифоделанди.


Коллагеннинг микдори мўл бўлганда:



Коллаген ва  $\text{CuSO}_4$  микдорлари тенг бўлганда:



$\text{CuSO}_4$  ning микдори мўл бўлганда:



Компонентларнинг бошланғич нисбатига қараб, комплекснинг ички ва ташқи сферасидаги мис ионлари ва сув молекулалари сони ўзгаради. Мис ионини иккита қоллаген макромолекуласининг атомлари билан координациялаш мумкин.

Комплекс бирикмаларнинг амалий қўлланилиши учун уларнинг эрувчанлиги ва ранги муҳим аҳамиятга эга. Шуниси эътиборга лойиқки, олинган кристаллар сувда эрийди, чўктирганнан кейин ва қуритилгандан кейин эритмадаги комплексларнинг ранги бошқача бўлиб чиқди (5-жадвал).

5-жадвал  
Ҳар хил шароитдаги металл комплексларнинг ранги

Металлокомплекс	Эритмада	Чўкмада	Қуритилганда
$\text{FeSO}_4 + \text{қоллаген}$	Сариқ	тўқ жигарранг	тўқ жигарранг
$\text{CoCl}_2 + \text{қоллаген}$	малина ранг	пушти	кўк
$\text{CrCl}_3 + \text{қоллаген}$	тўқ яшил	тўқ яшил	тўқ яшил
$\text{Ni}(\text{NO}_3)_2 + \text{қоллаген}$	оч яшил	оч яшил	оч яшил
$\text{CuSO}_4 + \text{қоллаген}$	ҳаво ранг	оч кўк	оч кўк

Коллагеннинг  $\text{Cu}^{2+}$  ва  $\text{Cu}^{1+}$  билан рангли комплекслари тўқмачлик материаллари учун бўёқлар сифатида синодан ўтказилди. Аралаш толали материални бўйлаш уни тайёрлаш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Материал совун-сода эритмасида қайнатилди ва кейинчалик натрий гидроксиди эритмасида мерсеризацияланди. Комплексни материал толаларига бириктириш мақсадида  $125-130^\circ\text{C}$  температурада 3-5 минут давомнда термоишлов берилди. Материални тайёрлаш ва бўйаш технологик режими 6-жадвалда кўрсатилган.

6-жадвал  
Коллаген комплекс билан материалларни бўйаш технологияси

Қайнатил	Совун-содали эритмада, 2 соат
Чайиш	Совуқ сувда
Мерсеризация	18%-ли $\text{NaOH}$ эритмасида, $25^\circ\text{C}$ да, 30 минут
Чайиш	Совуқ сувда
Сиккиш	Намлик 90-100% гача
Бўйаш	Металл комплекс эритмасида, $40^\circ\text{C}$ да, 10 минут
Сиккиш	Намлик 80-90% гача
Қуритиш	Хона температурасида
Термофиксация	$125-130^\circ\text{C}$ да, 3-5 минут

Бўйашнинг раволиги бўлган намуналарнинг ташқи кўриниши тасвирлари билан, рангларнинг барқарорлиги - совун-сода эритмасида ювилгандан кейин ранг интенсивлигининг ўзгариши ва намуна вазининг йўқолиши билан баҳолиди. Пахта-полиэфир аралаш толали матоани бўйаш натижасида  $\text{pH}=9$  да рангнинг энг яхши раволигига,  $\text{pH}=7$  да рангнинг мустаҳкамлигига эришилди.

1. Коллаген ва металл тузи эритмалари ўзаро таъсирлашганда, металл-полимер координацион бирикмаси ҳосил бўлади. Этанолда чўктириб, куртилгандан сўнг коллагеннинг  $Fe^{2+}$ ,  $Co^{2+}$ ,  $Ct^{3+}$ ,  $Ni^{2+}$ ,  $Cu^{2+}$  ионлари билан кристалл комплекслари ҳосил бўлади. Бошланғич аралашмада коллаген микдори ортиши билан комплекс бирикمانинг учунчи пасаяди, коллагеннинг ортиқча микдори комплекс ҳосил қилишда қатнашмайди ва чўкмага тушади. Суўлтирилган ишқор эритмаси ёрдамида хайвон терисидан ажратиб олинган коллагеннинг металл иони билан координацион бирикмасини муваффақиятли синтез қилиш учун эритмани электролитлардан озод қилиш керак бўлади.

2. Коллагеннинг оралик металл ионлари билан комплекс бирикмалари ҳам координацион боғланишлар, ҳам металл ионлари билан карбоксилат ионлари орасидаги ионли боғланишлар натижасида ҳосил бўлади. Донор сифатида коллагеннинг кислотад ва азот атомлари, сувнинг кислотад атоми, акцептор сифатида эса металл ионлари иштирок этади.

3. Бошланғич моддалар нисбатларининг кенг диапазонида синтез қилинган комплекснинг таркиби номуносиб ўзгаради. комплекс таркибининг ўзгариш диалязони камроқ. Турли металллар, турли нисбатларда синтез қилинган комплексларнинг микроструктураси, морфологияси яқин эканлиги изоҳланди.

4. Коллаген ва коллагеннинг аяча кўп микдори билан синтез қилинган комплекс аморф моддалардир. Бошланғич моддаларнинг турли нисбатларида синтез қилинган комплекслар ( $CuSO_4$  беш мартагача ортиқча, коллаген уч мартагача ортиқча) поликристалл моддалар бўлиб чиқди. Ортиқча туз билан синтез қилинган коллаген- $CuSO_4$  комплекснинг ромбик шакли, бироз ортиқча коллаген билан синтез қилинган комплекснинг игнасимон шакли кўрсатилди.

5. Коллаген- $CuSO_4$  комплексларида коллагеннинг микдори ортиши билан координацияланган сувнинг микдори ва дегидратланиш иссиқлиги мис купоросининг дегидратланиш иссиқлигига нисбатан 50% гача камайиб боради. Фурье-ИК, СЭМ, рентгенфазавий ва ДСК таҳлиллар натижалари асосида координацион комплексларнинг молекуляр ва тузиллиш формуласи тақлиф этилди.

6. Коллагеннинг  $Ct^{3+}$  ва  $Cu^{2+}$  билан синтез қилинган рангли комплекслари пахта ва аралаш (пахта-полиэфир) толали тўқимачилик материаллари учун бўёқ сифатида тавсия этилади. Материални ишқор эритмасида мерсеризация қилиш, бўялган намуналарга  $125-130^{\circ}C$  температурада 3-5 минут давомида термолитлов бериш комплекснинг материал толалига муस्ताҳкам боғланишини таъминлайди.

САДИКОВА ДИЛДОРА БАХРАМЖАНОВНА

ПОЛУЧЕНИЕ И СВОЙСТВА МЕТАЛЛОКОМПЛЕКСОВ ПРИРОДНЫХ  
ПОЛИМЕРОВ

02.00.06 – Высокомолекулярные соединения

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ



Чирчик – 2021

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире из года в год расширяются сферы применения координационных соединений природных полимеров с ионами металлов на основе полифункциональных и своеобразных свойств комплексных соединений различных металлов с органическими соединениями. Координационные соединения природных полимеров с металлами имеют особое значение в биотехнологиях, фармацевтике, медицине, сельском хозяйстве, для извлечения ионов различных металлов из производственных сточных вод и технологических растворов, в различных сферах текстильной и химической промышленности.

В мире осуществляются широкие исследования по получению, определению свойств и областей применения комплексных соединений металлов с природными полимерами, содержащими в своем составе атомы азота, кислорода, серы. В этом отношении достигнуты положительные результаты на основе способности к образованию комплексных соединений природных белков, состоящих из остатков аминокислот, с ионами металлов, особых свойств металлосодержащих координационных комплексов полимеров, соединения в структуры с определенной геометрической формой отдельных частей с пространственным строением. Коллаген является самым распространённым белком живых тканей, уделяется особое внимание его комплексам с ионами металлов, как цветным веществам, для получения окрашенных полимерных и текстильных материалов.

В нашей Республике уделяя большое внимание осуществлению научных, технических мероприятий с целью создания инновационной полимерной продукции на основе местных реагентов, всестороннему развитию текстильной и химической отраслей экономики, достигаются определенные результаты. Важные задачи по освоению принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение конкурентоспособности национальных товаров на внутреннем и внешнем рынке указаны в стратегии Действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан<sup>2</sup>. В этой связи особую значимость приобретает разработка методов получения комплексов металлов природных полимеров, определение состава, структуры, физико-химических свойств полученных соединений и их использование при крашении текстильных материалов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», УП-5544 от 21 сентября 2018 года «Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы», постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-4805 от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан».

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора химических наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019-2-PhD/K195.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета ([www.science.uzbekistan.gov.uz](http://www.science.uzbekistan.gov.uz)) информационно-образовательном портале «ZiyouNET» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

Научный руководитель:

**Рафиков Адам Салимович**  
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

**Кульшики Валентин Олегович**  
доктор химических наук, профессор  
**Бекчанов Давромбек Жуманазарович**  
доктор химических наук, доцент

Ведущая организация:

**Ташкентский химико-технологический институт**

Защита диссертации состоялась **24** **01** 2021 года в **16** часов на заседании Научного совета ДС.03.30.09.2020 К.82.02 при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области (Адрес: 111720, Ташкентская область, г.Чирчик, ул.Амир Темура, 104. Тел.:(0370) 716-68-05; факс:(0370) 716-68-11; e-mail: [tschbpi\\_k.kengra@tdpmail.uz](mailto:tschbpi_k.kengra@tdpmail.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области (Адрес: 111720, Ташкентская область, с.Чирчик, ул. Амир Темура, 104. Тел. (0370) 716-68-05; факс (0370) 716-68-11 (зарегистрирована за № **61**)).

Автореферат диссертации размещен в **13** **01** 2021 года

(режистр протокола регистрации № **8** от **13** **01** 2021 года).



**З.Зиёдуллоев**  
доктор философии, доктор наук, доцент  
президент Научного совета по текстильной промышленности, д.т.н., доцент  
**Г.Мухамедиев**  
доктор философии, доктор наук (PhD)  
Президент Научного семинара при научном центре по текстильной промышленности, д.т.н., профессор

результативности науки по направлениям химия и биология», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологической республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологической республики – VII «Химия, Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** Получению и исследованию свойств новых координационных комплексов полимеров посвящены научные исследования зарубежных учёных Tang S.-Y., M. Jeżowska-Bojczuk, Sipi G., Akhrami F.A., Garcia-Teran J.P., Sogerson A.E., Ergozin E.E. и др. Исследования координационных комплексов проводили Tang K., Proskor D.J., Тихонова Ю.В., Yanping Han, Zhao X., Zhang J., Sahiner M. и др.

В нашей Республике проведением исследований в области координационных комплексов полимеров с металлами занимались в научных школах академиков М.А. Аскарова, С.Ш. Рашидовой, А.Т. Джалилова, профессора У.Н. Мусаев, Т.М. Бабаев, М.Г. Мухамедиев, Ш.Г. Гафурова и другие учёные. Исследования этих учёных направлены на анализ строения и свойств координационных соединений, применения таких соединений в качестве ионообменных сорбентов и биологически активных препаратов.

Между тем, исследуя координационные комплексы полимеров с металлами в качестве матрицы для лекарственных средств, сорбентов различных ионов, катализаторов или ингибиторов химических процессов, не достаточно внимание уделяется возможности использования в качестве красителей.

